

Нефть махсулотларини етказиб бериш хақида

ШАРТНОМА № 1/10

2022 йил « 05 » январ

Кучлик МФЙ

«Кучлик нефт базаси» масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда « Етказиб берувчи » деб юритилади) «Низом» асосида фаолият кўрсатувчи рахбари Э.Т.Худайшукуров бир тарафдан ва Янги хаёт тумани маҳалла ва оилани куллаб кувватлаш булими (кейинги уринларда «Истеъмолчи» деб аталади) номидан «Низом» асосида фаолият юритувчи рахбари Х.Нормурадов иккинчи тарафдан ушбу шартномани куйидагилар хақида туздилар;

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт Махсулотлари ўзаро келишилган нархларда белгиланган тартибда етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса етказиб берилган нефт махсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини олдиндан 100% тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда ўз зиммасига олади.

Нефт махсулотининг номи	Миқдори (тн)	(1 тн.учун) 05.01.2022 йилдан белгиланган нарх	Хақиқатда сотилган махсулот нархи (хисоб-фактурага асосан)	суммаси (сумма биржа урточа катировка нархларига асосан узгариши мумкин)
Автобензин Аи-91	0,460	12 700 000,0		5 842 000,0
ЖАМИ				5 842 000,0

1.2. Шартноманинг умумий қиймати 5 842 000,0 сўмни,

Шу жумладан ҚҚС 762 000,0 сумни ташкил қилади ва «Истеъмолчи» йил давомида оладиган нефть махсулотлари учун олдиндан 100% тўловни куйидаги ҳисоблардан амалга оширади:

Бюджетҳисобидан: _____ сўм.

Бюджетдан ташқари (махсус) ҳисобдан: _____ сўм.

1.3. Шартнома суммаси ёки нархлар ўзгарганда ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ва бу хақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. «Нефть махсулотлари «Истеъмолчи»га нефть махсулотлари «Етказиб берувчи»нинг махсус автотранспортида ёки транзит тартибда етказиб берилади. «Истеъмолчи» махсулотни ўзининг автотранспортида олиб кетган тақдирда ҳақ талаб қилинмайди.

2.2. Нефть махсулотларини ортиш (олиб чиқиб кетиш) махсулот хақи тўлиқ тўлангандан сўнг «Истеъмолчи»нинг талаби асосида амалга оширилади. Нефть махсулотлари олиб чиқиб кетилишида автоцистерналар нефть база томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (1510-84 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

3. ҲИСОБ-КИТОБНИНГ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар «Истеъмолчи»нинг тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади. «Истеъмолчи» оладиган нефть махсулотлари учун олдиндан 100% маблағларни пул ўтказиш йўли билан белгиланган тартибда тўлаб бериш мажбуриятини олади.

3.2. Ҳисоб-китоб рақамига маблағлар келиб тушгач «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га («Истеъмолчи»нинг махсус автотранспортида ёки ижарага олинган автотранспортда олиб кетилиши мумкин. Бунда автотранспортлар

барча талабларга жавоб берган тақдирда рухсат эрилади) маҳсулотларни махсус автотранспортларда етказиб беради.

4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 4.1. Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:
- «Етказиб берувчи» томонидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть маҳсулотини олиб чиқишни қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;
 - «Истеъмолчи» транзит орқали нефть маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

- 5.1. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифат ва миқдорини текшириб олади.
- 5.2. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандарти ва ТШ га мос бўлиши ҳамда бу жўнатилаётган нефть маҳсулоти учун берилаётган сифат гувоҳномасида ақс эттирилиши лозим.
- 5.3. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини қабул қилишда уларнинг сифатини, шунингдек, сифат гувоҳномаси (паспорти)ни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. «Етказиб берувчи» асоссиз равишда нефть маҳсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун «Истеъмолчи»га мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми учун 0,4 фоиз миқдорда пеня тўлайди, лекин тўланадиган пеня умумий миқдори етказиб берилмаган нефть маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни, нефть маҳсулотларини кечиктириб ёки етказиб берилмаган ва ҳақозо... оқибатидаги зарарни тўлашдан озод этмайди.
- 6.2. Амалдаги қонунчилик ёки ҳўжалик шартномаси, стандартлар, техник шароитлар, сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган нефть маҳсулотлари етказиб берилганда «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини қабул қилишдан бош тортиши, «Етказиб берувчи»дан талаб даражасида бўлмаган нефть маҳсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириши, агар маҳсулот қиймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблағни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган нефть маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима «Етказиб берувчи» дан ақцептсиз тартибда ундирилади.
- 6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Истеъмолчи» «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 6.4. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида»ги Қонунга биноан тартибга солинади.
- 6.5. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш туғрисидаги қонун ҳужжалари талабларига амал қилади.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

- 7.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини гайритабиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажармаса, Ўзбекнефтегаз» АЖнинг ва НКҚИЗ ларнинг, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАТЙКнинг айби билан ёки маҳсулот етказиб бериш ҳажми ва муддати юқори ташкилотлар томонидан ўзгартирилиши муносабати билан бузилса, ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

8. ҚўШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Махсулотлар мавжуд манбалар асосида етказиб берилади.

9. КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ВА ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ўз-ўзидан бўлиб, ҳар иккала томон имзолангандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иқтисодий судларда ҳал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилади ва ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлади.

9.4. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган ва ҳудудий газначилик бўлимидан тегишли тартибда рўйхатга олинган кундан қонуний кучга кирилади ва 2022 йил 31 декабргача ҳақиқий ҳисобланади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ

«ТАЪМИНОТЧИ»

«O'ZBEKNEFTGAZ» АЖ

«KUCHLIK NEFT BAZASI» МЧЖ

111508, Toshkent viloyati O'rtachirchiq tumani

«Kuchlik» MFY, Iste'dod ko'chasi 58-uy

Tel.: (95) 177-80-91 Бух.: (90) 121-61-68

Asosiy. H/r: 2021 0000 6005 8704 6001

H/r: 2321 0000 6005 8704 6333 фермер хужалик у-н

«ORIENT FINANS» ЧАКБМФО: 01115

INN: 204 640 0100KED: 46710

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Ташкент шаҳар Янгиаёт тумани
Маҳалла боғлиқлиги иқтисод-аҳоли ва инфратириш бўлими

Тел.: 91-210-60-16

ИНН: 201129912 МФО 00014

БАНК: _____

Х/Р: 23402000300100001010


1/c 1000228802624011906259001

ИНН: 207331495

ОКЕД: 84112

«Кучлик нефт базаси» МЧЖ

директори



Э.Т.Худайшукуров.

Ички сотиш бўлими



Рахбар:

Х. Нормурадов



ЮРИДИК ХУЛОСА

Ушбу шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (хўжалик шартномалари ҳақидаги умумий қоидалар) 353-354 моддалари, (нефть маҳсулотлари етказиб бериш ҳақидаги умумий қоидалар) 437-456 моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» Қонуннинг 11-бўлим 31, 32, 34-моддаларининг талабларига жавоб беради.

Юрисконсулт

И.А. Амибаев